



20 20 у « 17 » август

№ Қ-405

« ___ » _____ 20__ г

**Жарқўрғон тумани “Оқтепа” массиви
“Олтинтепа” маҳалласи ҳудудидан “SURXON
TERMEZ PARRANDA” МChJга ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5 моддаси ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/236-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 24 апрелдаги 64/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/236-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Оқтепа” массиви “Олтинтепа” маҳалласи ҳудудидан “SURXON TERMEZ PARRANDA” МChJга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 37қ-дала контуридаги 30,0 гектар яйлов ер майдони озуқабоп экинлар экиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон туман ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов